

Ishonch

2019 йил 5 октябрь • шанба • № 122 (4251)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ БОШ КОТИБИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 октябрь куни Туркий тилли давлатлар Ишбилармонлар кенгаши мажлиси ва Инвестиция форумида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши бош котиби Бағдат Амреевни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон ва Туркий кенгаш ўртасидаги ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Мамлакатимиз жорий йил 14 сентябрь куни 2009 йил 3 октябрда имзоланган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битимини ратификация қилди ҳамда ташкилотнинг жорий йил 15 октябрь куни Боку шаҳрида бўлиб ўтadиган еттинчи саммитида тўла ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок этди.

Ўзбекистон ва Туркий кенгаш мамлакатларини азалдан нафақат маданият, тил, маънавий муштараклиги, балки анъанавий дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган муносабатлар боғлаб туриши таъкидланди.

Учрашувда Туркий кенгашнинг биринчи навбатда савдо, инвестициялар, инновациялар, транспорт, туризм, маданий-гуманитар алмашинувлар каби долзарб йўналишларда амалий шерикликни ривожлантиришга кўмаклашувчи самарали минтақавий тузилма сифатидаги салохиятига юксак баҳо берилди.

Туркий кенгаш бош котиби Ўзбекистон Республикаси Президентига самимий қабул учун

чуқур миннатдорлик билдириб, мамлакатимиз Кенгашга тўла ҳуқуқли аъзо сифатида кириши билан табриклади.

Ўзбекистоннинг аъзо бўлиши ташкилот доирасида кўп томонлама самарали ҳамкорликни янада жадал ривожлантиришга хизмат қилиши алоҳида қайд этилди.

Бағдат Амреев Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши соҳасида, иқтисодийни либераллаштириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш борасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотларни юқори баҳолади.

Ўзбекистон хорижий шериклар билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришда, аввало, қўшни мамлакатлар билан дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустақамлаш борасида улкан муваффақиятларга эришаётганини алоҳида қайд этди.

Олий мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Туркий кенгашнинг бўлажак саммитига тайёргарликнинг бориши тўғрисида маълумот берди ҳамда Кенгаш билан Ўзбекистон ўртасида самарали муносабатларни ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашишга тайёр эканини таъкидлади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ САВДО ПАЛАТАЛАРИ ВА ТОВАР БИРЖАЛАРИ ИТТИФОҚИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 октябрь куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Туркия савдо палаталари ва товар биржалари иттифоқи раиси Мустафо Рифат Ҳисоржикли ўғлини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, кейинги йилларда Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги дўстлик, шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилганини мамнуният билан таъкидлади.

2017 йилнинг кузида Туркияда ва 2018 йилнинг баҳорида Ўзбекистонда давлат ташрифлари доирасида бўлиб ўтган олий даражадаги самарали музокаралар конструктив сиёсий мулоқот ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш учун мустақам асос бўлиб хизмат қилгани алоҳида қайд этилди.

Эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни кенг қўламли амалга ошириш, савдо, инновациялар, энергетика, инфратузилмани ривожлантириш, транспорт, туризм, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, бошқа тармоқларда қўшма лойиҳаларни фаол илгари сурши муҳимлиги таъкидланди.

Учрашувда Рифат Ҳисоржикли ўғли самимий қабул учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга чуқур миннатдорлик билдирди ҳамда Туркия Республикаси

Кейинги йилларда 750 дан зиёд қўшма корхона ташкил этилгани, шунингдек, ўзаро савдо ҳажми икки баробар ортгани Туркия бизнесининг Ўзбекистон бозорига киришдан манфаатдорлиги ортиб, ишбилармонлик алоқалари мустақамлашиб бораётганидан далолат беради.

Рифат Ҳисоржикли ўғли Туркия ишбилармон доиралари вакиллари – Савдо палаталари ва товар биржалари иттифоқи аъзолари устувор лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этишга тайёр экани ҳамда бу масалаларни ўзбекистонлик шериклар билан Тошкентда бўлиб ўтадиган Туркий тилли давлатларнинг Ишбилармонлар кенгаши мажлиси ва Инвестиция форумида муҳокама қилиши режалаштирилганини таъкидлади.

Учрашув сўнггида меҳмон Ўзбекистон – Туркия дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлаш мақсадида узоқ муддатли ишбилармонлик алоқаларини йўлга қўйиш ва амалий ҳамкорликни ривожлантиришга

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНING ЎТТИЗ ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлик ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида фойда муҳим ўрин эгаллаб келатган буюк қадриятдир.

2019 йил 21 октябрь куни Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганга ўттиз йил тўлади. Мазкур тарихий ҳужжатга биноан ўтган йиллар давомида она тилимиз мустақам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди. Ҳозирги кунда ўзбек тили ҳаётимизнинг барча жабҳаларида – давлат ва жамият бошқаруви, давлатлараро муносабатлар, илм-фан, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва санъат соҳаларида фаол қўлланилмоқда, халқаро минбарлардан баралла янграмоқда.

Ўзбекистон тараққиётининг бугунги янги босқичи – миллий юксалиш даври талабларидан

келиб чиқиб, она тилимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ва унинг филиаллари ташкил этилгани она тилимизнинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш, уни илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш ва қўлланиш доирасини кенгайтириш, филолог кадрлар тайёрлаш борасидаги ишларни янги поғонага кўтарди.

Худудларда атоқли аллома ва адибларимиз номлари билан аталган ижод мактабларининг барпо этилиши бу йўлда яна бир муҳим қадам бўлди.

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустақамлаш, халқимиз, аввало ёш авлоднинг миллий қадриятларимизга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда ўзбек тилининг аҳамияти тобора ортиб бораётганини ҳисобга олиб ҳамда Ўзбекистон Республика-

сининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва жамоатчилик вакилларининг жорий йилнинг октябр ойида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллигини мамлакатимизда кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар: Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллигига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмита таркиби 1-иловага;

2

ИССИҚ СУВ ВА ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИДАГИ БАРҚАРОРЛИК – АҲОЛИНИНГ ҲАЁТДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШИДА МУҲИМ ОМИЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 октябрь куни аҳолини узулқисм иссиқ сув ва иссиқлик қуввати билан таъминлаш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Бугунги кунда мавжуд қозонхоналар ва иссиқлик тармоқларининг муайян қисми эскирган, айримлари фойдаланишга яроқсиз аҳволга келиб қолгани қайд этилди. Хусусан, мазкур соҳага ҳозиргача хорижий инвестициялар умуман жалб қилинмагани мавжуд имкониятлар етарлича ишга солилмаганини кўрсатади.

Йиллар давомида технологик модернизация ишлари амалга оширилмагани сабабли тармоқ даромадининг 85 фоизи ёқилғи-энергетикага сарфланмоқда. Тармоқдаги йўқотишлар эса 35-40 фоизга етган. Энергия ресурслари харажати ва тўловлардаги но-

мутаносиблик оқибатида кредитор ва дебитор қарздорлик юзага келмоқда.

Шу боис Президентимиз соҳани тубдан ислоҳ қилиш, мавжуд қувватларни янгилаш ва бошқарувни такомиллаштириш вазифаларини белгилаб берди.

Сифатли иссиқлик таъминоти тизимини йўлга қўйиш учун, аввало, тармоқ корхоналарини модернизация қилиш, бунда Австрия, Дания, Германия, Финляндия тажрибаси асосида энергия тежамкор ҳамда кўп мақсадли технологияларни кенг қўллашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

2

ЎЗБЕКИСТОН ТУРКИЙ КЕНГАШГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР БИЛАН АНЪАНАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРМОҚДА



Алишер АЪЗАМҲУЖАЕВ, Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистон ташқи сиёсатида катта ўзгаришлар ва ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз ҳаётини чуқур билиши, халқимизнинг халқаро алоқалардаги устувор манфаатларини тўғри баҳолай олиш қобилияти ва салоҳияти ташқи сиёсатимизда янги уфқларни очиб берди.

Ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий алоқаларга иxtисослашган вазирлик ва идораларнинг фаолияти такомиллашди, элчионалар ва дипломатларнинг иш ус-

лублари янгиланди, масъулияти оширилди, уларга қўшимча имкониятлар яратилди, янги дипломатик ваколатхоналар очилди. Мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорликдан кўзлаган мақсад ва вазифалари аниқлаштирилди, бойитилди, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишда янги чарчатиш-шижоатли, дадил ҳамда конструктив ёндашувлар ҳаётга татбиқ этилди. Ўзбекистон иктомонлама воситалар билангина чекланиб қолмасдан, кўптомонлама мулоқот механизми билан ҳам самарали фойдаланмоқда.

3

КУН НАФАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаолигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини имзолади.

kun.uz

Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Аҳоли хонадонларида ва чорвачилик йўналишида фаолият кўрсатадиган хўжалик юритувчи субъектларда парвариш қилинаётган чорва ҳайвонларини сўғурта қилиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

uz.uz

Маданият вазирлигида миллий маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган санъаткорларни ҳамда ўзбек санъатини дунё саҳналарида муваффақиятли намойиш этиб келатган ешларни Ўзбекистон Республикаси Президентини номидан рағбатлантириш маросими бўлиб ўтди.

ishonch.uz

Пойтахтимизда 2-4 октябрь кунлари «Tashkent book fest - 2019» I Тошкент халқаро китоб куръга-ярмаркаси бўлиб ўтди.

uz.uz

Вазирлар Маҳкамаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 15 октябрь санасини «Халқаро қишлоқ аёллари кун» сифатида кенг нишонлаш тўғрисида

21 октябрь – Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун

Тил – миллат кўзгуси

Она тилим

Минг йилларким булбул каломи
Ўзгармайди, яхлит ҳамиша.
Аммо шўрлик тўтининг ҳоли
Ўзгаларга тақлид ҳамиша.

Она тилим, сен борсан, шаксиз,
Булбул куйин шеърга соламан,
Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан!

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шoirи

Россиялик ҳамкасблар Хивада

Санкт-Петербург ва Ленинград вилояти қасаба уюшмалари Федерацияси делегацияси Хоразмга ташриф буюриб, қадимий ва бетакрор Хива мўъжизаларини томоша қилди.

Хоразм вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Даврон Алақулмиев россиялик ҳамкасбларини Хива томон бошлар экан, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва уларда қасаба уюшмаларининг иштироки ҳақида сўзлаб берди. Аъзолар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ижтимоий шериклик асосида қўрилаётган чоралар ва уларнинг самарасига атофлича тўхтади.

– Хива таърифлашганидан ҳам гўзал экан. Дарвозадан киришимиз билан ўзимизни эртақлар оламига кириб қолгандай ҳис қилдик. Ичан қалъадаги иморатлар, тарихий обидалар, музейлардаги экспонатлар билан танишиб, бетакрор ўзбек маданияти, аёнана ва қадриятларига яна бир бор тан бер-



Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Санкт-Петербург ва Ленинград вилояти ҳудудий ташкилоти раиси Иосиф Григорьевич Элиович Нуриллабой саройига мафтун бўлганини билдирди.

– Бизга ушбу саройнинг қурилиш тарихи ҳақида сўзлаб беришди. Уни бунёд этишда шарқ ва ғарб анъаналарининг уйғунлаштирилганлиги иморатга янгича жозиба бахш эт-

диққатга сазовор. Меҳмонлар вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси билан ҳамкорликни мустақамлаш таклифини билдирдилар. Томонлар келгусида дўстона алоқаларни давом эттириш, тажриба алмашиш, туризм, маданий муносабатларни кенг йўлга қўйишга келишиб олдилар.

Бахтиёр ИСМОИЛОВ,
Хоразм вилояти қасаба уюшма

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллиги муносабати билан ўтказиладиган оммавий маънавий-маърифий чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита (А.Арипов): Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг пухта тайёргарлик асосида, юқори савияда ўтказилишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридаги барча шаҳар ва туманларда байрам тадбирларини ташкил этсин;

умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўзбек тили мавзусида иншолар танловини ўтказсин; мамлакатимиздаги театрлар ва кино-театрларда, маданият саройларида буюк алломаларимиз ҳақидаги спектакллар, бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойишини ташкил этсин;

«Ўзбек тили тараққиёти ва халқаро ҳамкорлик масалалари» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ҳамда «Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари» мавзусида республика конференциясини ўтказсин;

Ўзбек адабий тилининг асосчиси, буюк мутафаккир шоиримиз Алишер Навоийга Тошкент шаҳридаги Миллий боғда, шунингдек, вилоят ва шаҳарларда ўрнатилган ҳайкаллар пойига гул қўйиш маросимини уюштирсин;

мамлакатимизнинг хориждаги элчи-хоналари ва дипломатик ваколатхоналарида ўзбек тилига бағишланган байрам тадбирларини ўтказсин ва «Ўзбек тилининг дўстлари» клубларини тусизин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 4 октябрь



Андижон вилояти

«АВТОЙЎЛ»дагилар меҳнат қонунчилигини қачон ўрганишади?

Меҳнат муносабатларига оид ҳуқуқлари топталаётганидан ваколатли ташкилотларга қайси тизим ходимлари кўпроқ арз қилишади?

Бу саволга Андижон вилояти касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмасининг юридик бўлимида аниқ жавоб бор: «Вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармасига қарашли корхоналар...»

Ҳақиқатан, мазкур соҳа мутасаддилари ходимларни ноқонуний ишдан бўшатиш бўйича «юқори поғона»ларни банд этишга интилаётгандай.

Келинг, бундан аниқ мисоллар билан далиллайлик. Бўз тумани йўл ҳўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш давлат корхонаси директори С. Абдурахмонов шу йил 27 март куни буйруқ чиқариб, икки ходим – Наргиза Нарзиева ҳамда Абдулхай Гаффоровни вазифасидан озод қилади. Бунга асос сифатида шу куни ҳудудий бош бошқарма бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи М.Машрапов томонидан ўтказилган йиғилиш қарорини тиркаб қўяди. Йиғилиш қарорини яшини тезлигида ажро этилганига қараганда, ишдан бўшатиш учун сабаблар шу қадар жиддийдими, деган савол туғилади беихтиёр.

Корхона директорининг айтишича, улар раҳбарият берган топшириқларни ҳамда лавозим мажбуриятларини лозим даражада бажармаётган, иш жараёнида сустхалликка йўл қўйиб, меҳнат интизомини бузаётган экан. Бор гап шу.

Хуллас, ҳар икки ходим касабаси уюшмаларига мурожаат этиб, ҳақ-ҳуқуқлари кўпол равишда бузилганини маълум қилишга мажбур бўлишди. Ҳуқуқшунос-



лар вазият билан яқиндан танишиб, хат-ҳужжатларни синчиқлаб ўрганиш-ганда, ходимларни вазифасидан озод қилиш ташаббускорлари баъзи жиҳатларни эътиборга олишмагани маълум бўлди. Хусусан, Н.Нарзиева билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда Меҳнат кодекси 100-моддасининг 2-банди асос қилиб келтирилганига қарамай, мазкур кодекснинг 101-, 102-, 107-моддалари талаблари бузилган.

А.Гаффоровга қўлланган буйруқ ҳусусида ҳам айтиш шарт эмас. Ҳуқуқшунос мумкин. Қўшимча қилиш жоизки, Бўз ту-

мани кўп тармоқли марказий поликлиникаси томонидан берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақасига кўра, А.Гаффоров 14 мартдан 29 мартга қадар ишдан озод этилган. Амалдаги қонунчиликка кўра, ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ҳамда назарда тутилган бошқа турдаги таътиллари даврида унинг меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинмайди. Табиийки, мана шу оддийгина қонун ҳужжатини тушуниш учун юқори салоҳиятли ҳуқуқшунос бўлиш шарт эмас.

Бироқ корхона раҳбарияти бор ҳақиқатини тушулмади, тўғрироғи, истамди. Йўқса, касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси тақдимнома киритгач, «Тўхта-чи, буйруқ чиқаришда чалқашлик юз берибди-ку», дея хатларини тан олишган бўларди. Аммо айтганимиздек, тақдимномага бефарқлик қилинди, бирлашма эса судга даъво киритди.

Фуқаролик ишлари бўйича Бўз туманлараро суди (2019 йил 1 июнь) масалани

ИССИҚ СУВ ВА ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИДАГИ БАРҚАРОРЛИК – АҲОЛИНИНГ ҲАЁТДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШИДА МУҲИМ ОМИЛ

Ушбу тизимнинг афзаллиги шундаки, катта маблағ ҳисобига ишлаб чиқарилган иссиқликдан циркуляр тарзда қайта-қайта фойдаланса бўлади. Мисол учун, Тошкент шаҳри иссиқлик таъминотини шундай «ёпиқ тизим»га ўтказиш йилига 300 миллион доллар сўм миқдоридида 3 миллион гакалория иссиқлик йўқотилишининг олдини олади, айти пайтда 160 миллиард сўм ҳажмидаги 320 миллион куб метр табиий газ ҳамда 25 миллиард сўмлик 85 миллион киловатт электр сарфини қисқартириш имконини беради.

Йиғилишда 12 та шаҳардаги 5 мингга яқин турар жойнинг марказлашган иссиқлик таъминотини тиклаш ва уларни «ёпиқ тизим»га ўтказиш, хусусан, Бухоро ва Чирчиқ шаҳарлари бўйича тендер савдоларини янгулаб, 2020 йилда фойдаланишга топшириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, келаси йили Андижон, Самарқанд шаҳарлари ва пойтахтимизнинг Сергели тумани бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, бунда Жаҳон банкнинг 140 миллион доллар кредитидан самарали фойдаланиш зарурлиги қайд этилди. Европа тараққиёт ва тикланиш банкнинг 150 миллион доллар кредити ҳисобидан Тошкент шаҳрининг Мирзо Улугбек ва Миробод туманларида иссиқлик таъминоти тармоғини модернизация қилиш, Бухоро, Фарғона, Қувасой, Урганч ва Нукус шаҳарларида янги технологияларни жорий этиш лойиҳасига Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг 780 миллион доллар кредитини жалб қилиш вазифаси қўйилди. Осиё инфратузилмавий инвестициялар банкнинг 55 миллион доллар маблағи эвазига Ангрэн иссиқлик станциясини модернизация қилиш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

Тармоққа бозор механизмларини кенг жорий этиш орқали соғлом рақобат муҳитини шакллантириш муҳимлиги таъкидланди. Бунинг учун, аввало, тарифлар эркин бўлиши лозим.

Шу боис соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, келаси йилдан Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимига давлат-хусусий шериклик корхоналарини жалб этиш чоралари белгиланди.

Йўқотишларни бартараф этиш ва мезёридан ортиқ истеъмолни камайтириш мақсадида иссиқлик энергиясини ҳисобга олишининг автоматлашган тизимини жорий этиш зарурлиги қайд этилди.

Мамлакатимиз аҳолиси 119 та шаҳар ва 11 мингдан зиёд қишлоқлардаги қарийб 6 миллионга яқин ҳовли-жойларда истиқомат қилади. Уларни куз-қиш мавсумида иссиқлик билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига фақат кўп хонадонли уйлар билан чегараланмасдан, барча аҳолини иссиқлик таъминоти билан қамраб олиш, бу борадаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Соҳада бошқарув самарадорлигини ошириш, фаол инвестициялар жалб этиш учун Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш, иссиқлик таъминоти корхоналарини алоҳида акциядорлик жамиятига бирлаштириш бўйича тавсиялар берилди. Бу акциядорлик жамияти объектларни эксплуатация қилиш билан бирга, янги лойиҳаларни шакллантириш, уларга халқаро молиявий ташкилотлар маблағларини жалб этиш билан шўғулланади.

Йиғилишда ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард натижаси халқимизни рози қилиш, одамларнинг турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш, уларнинг ишончини оқлашдан иборат экани алоҳида таъкидланди.

Ўтган даврда берилган топшириқлар юзасидан мутасаддиларнинг аҳбороти тингланган ва келгусида амалга ошириладиган устувор вазифалар белгилаб олинди.

У.А

Фарғона вилояти



Сарҳисоб

Эътироф

Жорий йилда Фарғона вилоятидаги оромгоҳларда болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш июнь ойидан бошланиб, август ойининг сўнгига қадар давом этди. Шаҳар ташқарисидagi оромгоҳларда 13 505 нафар, мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳларда 21 100 нафар бола дам олди. Мавсум давомида соғломлаштириш масканларида ташкил этилган 50 дан ортиқ тўғрақлар болаларнинг турли йўналишдаги қизиқишларини оширишга хизмат қилди.

Вилоят ҳокимлиги маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратган 1,1 млрд. сўм маблағ ҳисобидан «Хумо», «Юлдуз» ва «Нилуфар» оромгоҳлари капитал таъмирланиб, «Меҳнат – роҳат» ва «Шоҳимардон» оромгоҳларида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бу йилдан «Шоҳимардон» ва «Қалдирғоч» стационар оромгоҳлари иш бошлади ва шаҳар ташқарисидagi оромгоҳлар сони иккитга кўпайди. Аксарияти мавсумни 5 босқичда олиб борди.

«Farg'onaazot» АЖга қарашли «Кимёгар» болалар оромгоҳида жорий йил 5 мавсумда ишчи-хизматчиларнинг 1562 нафар фарзанди дам олдирилди, – дейди оромгоҳ раҳбари Саодат Мўминова. – Бу ўтган йилги мавсумга таққослаганда 300 нафарга кўп дегандир. Қолаверса, ота-оналарга энгиллик яратиш мақсадида 12 кунлик йўлланма баҳоси бир мунча арзон 58 минг сўм этиб белгиланиши ғамхўрликнинг амалдаги тасдиғи бўлди.

Чегарадош ҳудудда жойлашган Шоҳимардон қишлоғида «Шоҳимардон» болалар оромгоҳининг очилиши маҳаллий аҳоли учун катта воқеа бўлди, – дейди оромгоҳ раҳбари Фозилахон Мамажонов. – Бу ерда 4 навбатда 200 нафардан ортиқ Шоҳимардон ва Ёрдон қишлоғининг 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлари таътилни мазмунли ўтказди.

Қувасой шаҳридаги «Арсиф» дам олиш уйида мавсумни уюшқоқлик билан ташкил этган ташкилотлар ҳамда оромгоҳларда фаолият юритган энг фаол, ташаббускор ходимларни тақдирлаш ва рағбатлантириш тадбири бўлиб ўтди. Унда «Энг яхши оромгоҳ бошлиғи», «Энг ғамхўр ҳомий», «Энг яхши маъмурий ходим», «Энг масъулиятли ташкилотчи», «Энг намунали стационар оромгоҳ» сингари номинациялар бўйича голиблар муносиб тақдирланди.

Жамшид ЭРГАШЕВ, «ISHONCH»

Самарқанд вилояти

Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази Самарқанд филиалида шу йилнинг 30 июлида бўлиб ўтган йиғилиш матни билан танишиб, мўддао бир ходимни ишдан бўшатиш ҳақида борганини англаш қийин эмас.

Касабаси уюшмаси аралашгач...

Асосиз буйруқ бекор қилинди

Йиғилишда дастлаб коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонун талабларига амал қилиш ҳусусида ходимларга тушунча берилган. Шундан сўнг барча ходимлардан «коррупцияга йўл қўймайман», деган мазмунда тушунириш хати ёздириб олинган. Фақат марказ ҳамшираси Ўғилой Қаршиева тилхат ёзиб бермаган. Шу сабабли умумий йиғилишда у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Бу ҳазил эмас. Ўзи дарди-дунёси қоронғу, соғлиғидаги муаммолар қуршоғида ўтдек ёниб турган ходимга бу тахлитдаги муносабат бориб турган бедодлик бўлиб туюлди. Мажлиснинг эртасига, яъни 1 август куни Ўғилой Қаршиевага Самарқанд шаҳридаги 3-оилавий поликлиника шифокорлари кўригидан сўнг касаллик варақаси очилди. Маъмурият ташаббуси ерда қолсинми?! 3 август куни марказ директорининг Ў.Қаршиевани эгаллаб турган вазифасидан озод қилиш ҳақидаги буйруғи чиқади ва 23-сонли буйруқнинг нусхаси почта орқали Қорасув массивида яшовчи ҳамшира хонадонига жўнатилади. Муолажалардан сўнг Ўғилой Қаршиева касабаси уюшмасига мурожаат қилиб, қонуний ҳуқуқларини тиклашда ёрдам сўрайди. Ўрганиш жараёнида маъмурият буйруғи унинг меҳнатга қобилиятсиз қулрига тўғри келгани аниқланди. Боз устига, бошланғич касабаси уюшма ташкилоти розилиги ҳам олинмаган.

Касабаси уюшмалари томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижа бермади. Иш фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судида кўриб чиқилди. Масалани адолатли ёндашган суд ходим ҳуқуқини тиклади. Ў.Қаршиевага мажбуран бекор юрган кунлари учун иш ҳақи тўлиқ тўлаб бериладиган бўлди.

Улубек ҒАНИЕВ,

Самарқанд вилояти касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудури

Ҳикмати

Иш меҳр билан бажарилган тақдирдагина уни яхши иш деб баҳолаш мумкин.

Жон РЕСКИН



Ўзбекистон Туркий кенгашга аъзо давлатлар билан анъанавий ҳамкорликни янги босқичга кўтармоқда

Бундай ижобий ўзгаришлар ташқи сиёсатда қисқа муддатларда муҳим тарихий ютуқларнинг қўлга киритилишига асос бўлди. Давлатимизнинг дўстлари кўпайди, Марказий Осиё ва минтақа атрофида йиғилиб қолган қатор долзарб масалаларга ечим топилди, қўшни, яқин ва узоқ мамлакатлар билан мулоқо аъзо давлатлар билан анъанавий ҳамкорликни янги босқичга кўтармоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг кўпқиррали сиёсати, самимий ёндашуви, саясий-ҳаракатлари Ўзбекистоннинг турли давлатлар билан муносабатлари ижобий йўналишда ривожланишида муваффақият қоғолини сифатида хизмат қилмоқда. Қатор мамлакатлар билан, шу жумладан, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо давлатлар – Озарбайжон, Туркия, Қирғизистон ва Қозғистон билан ҳам алоқаларимиз мисли кўрилмаган даражада кўтарилди. Ҳамкорлигимизнинг янги йўналишлари, янги механизмлари шакллана бошлади. Мазкур ўлкалар билан стратегик шерикчилик муносабатлари ўрнатилди, улар билан ҳамкорлигимиз иккитомонлама форматларидagina эмас, балки кўптомонлама тузилмаларда ҳам ривож топмоқда. Ўзбекистон ташаббуси билан Марказий Осиё давлат раҳбарларининг консултиватив учрашувлари ўтказилмоқда, вакилларимиз БМТ, Ислон ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро институтларда бир-бирларини қўлламоқда.

Ижобий алоқалар шу қадар тез ривожландики, натижада, Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев 2018 йил 3 сентябрь куни Қирғизистоннинг Чўлпон-ота шаҳрида бўлиб ўтган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг олтинчи саммитида фахрий меҳмон сифатида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари саммитда сўзлаган нутқида «халқларимизни ўхшаш тил, муштарак маънавий қадриятлар ва ҳамкорлик ришталари бир-бирига боғлаб келаётгани, бугунги кунда Кенгашнинг сиёсий кун тартибида ҳеч бир муаммо ёки келишмовчилик мавжуд эмаслигини қайд этди. «Мамлакатларимиз долзарб халқаро ва минтақавий масалаларда ўзаро мос ёки яқин қараш ва ёндашувларга амал қилиб келмоқда. Айни вақтда халқларимизнинг ҳаётини манфаатларига тўла жавоб берадиган иқтисодиёт, инвестиция, инновация, транспорт ва коммуникация, туризм, илм-фан ва таълим каби соҳаларда

ўзаро ҳамкорлик фаол ривожланмоқда», деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон Президенти саммитда мамлакатимизнинг «Туркий кенгашга аъзо давлатлар билан ўзаро савдо ҳажми охириги бир йилда 40 фоиздан зиёд ошганини эътироф этиб, «бу кўрсаткичлардан анча юқори марраларга эришиш мумкин»лигини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши доирасидаги алоқаларни ривожлантиришга доир муҳим йўналишларга тўхталиб ўтди ва Ўзбекистон ушбу халқаро тузилма доирасида ўзаро самарали ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини, унинг «келажагига катта умид ва ишонч билан қарашини» айтиб ўтди.

Ўзбекистон ушбу йўналишда яна бир муҳим ва тарихий қадам ташлади. Жорий йил сентябрь ойда мамлакатимизнинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига тўлақонли аъзо бўлиб киришига қаратилган ҳуқуқий-дипломатик жараён бошлаб юборилди. Бунинг учун мазкур халқаро ташкилотни тузишда бундан ўн йил олдин ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган Наҳичеван халқаро шартномасига қўшилишимиз лозим эди. Ушбу битимнинг қондалариғи биноан, унга қўшилмоқчи бўлган мамлакат тегишли равишда унга аъзо давлатларга мурожаат қилади ва розилик олингандан кейин ратификация билан боғлиқ ички процедураларни амалга ошириб, махсус расмий маълумотни мазкур шартноманинг депозитарийига топширади. Депозитарийда мурожаат ижобий қабул қилингандан сўнг шартнома 30 кундан кейин кучга кириди. Ўзбекистон бундай мураккаб сиёсий-ҳуқуқий жараёни жуда қисқа муддатда тамомлади. Бунда мамлакатимизнинг салоҳияти, давлатимиз раҳбарининг обрў-эътибори, қатъий сиёсий иродаси, томонларнинг ўзаро дўстона муносабатлари, муштарак манфаатлари уйғунлиги ҳамда фаол дипломатик чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этди.

Натижада, ҳаттоки, халқаро муносабатлар тарихида янги бир «рекорд» – прецедент шакллантирилди, десак муболаға бўлмайди. Бир давлатнинг халқаро ташкилотга кириши учун ушбу тузилмага аъзо давлатларнинг барчасидан саноқли соатларда расмий розилик олинди, асосий шартномага қўшилиш жараёни бошланди. Ўзбекистон ҳам жараённинг ўзига тегишли қисмини қисқа муддатларда ниҳоятга етказди: Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил 14 сентябрь куни «Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Наҳичеван битимини (Наҳичеван, 2009 йил 3 октябрь) ратификация қилиш ҳақидаги» Ўзбекистон Республикаси қонунини имзолади. Уша кунгич мазкур Битим депозитарийи билан тегишли музокара ва расмий ёзишмалар амалга оширилди, шарт-

номанинг Ўзбекистон учун 30 кун ичида кучга кириши таъминланди. Натижада, мамлакатимиз жорий йилнинг 15 октябрь куни Озарбайжонда бўлиб ўтадиган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига тўлақонли аъзо давлат сифатида иштирок этди.

Бу тарихий воқеа кетидан Туркий кенгашга аъзо давлатларнинг Ташқи ишлар вазирликлари ҳамда Кенгашнинг Бош котиби томонидан Ўзбекистон шаънига илиқ сўзлар айтилган, мамлакатимиз ва халқимизга табриклар билдирилган расмий баёнотлар эълон қилинди. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида ҳам жамиятимизнинг турли қатламлари, айниқса, зиёлари томонидан бу воқеа ижобий баҳоланиб, илиқ ва самимий муносабатлар билдирилди, билдирилмоқда.

Ҳақиқатдан ҳам бу тарихий қадам ташқи сиёсатимизнинг ютуқларидан бири бўлиб, юртимиз учун муҳим аҳамият касб этди. Биринчидан, суверенитетимизнинг асосий рамзларидан бири бўлган давлат байроғимиз яна бир халқаро ташкилотда ҳилпираб туриши таъминланди. Иккинчидан, Ўзбекистон суверен давлат, халқаро муносабатларнинг тўлақонли субъекти сифатида ўз ташқи сиёсатида янги бир йўналиш очди, янги бир тузилмада ўз овозига эга бўлди. Учинчидан, Марказий Осиё ва ундан ҳам кенгроқ макрореинтақада фаолият кўрсатаётган муҳим халқаро ташкилотлардан бирининг кун тартибидан, келажагини, устувор йўналишларини белгилашда бевоқиф азаллий қадриятлари ҳамда қўшни ва узоқ қардош мамлакатлар билан дўстона алоқалари қўшимча воситалар билан мустақамлаштирилди. Бешинчидан, мазкур халқаро ташкилотга алоқадор бўлган аъзо ва кузатувчи давлатлар ҳамда қатор тузилмалар билан нафақат иккитомонлама, балки кўптомонлама форматда ҳам тўғридан-тўғри ҳамкорлигимизни ривожлантириш имкониятини қўлга киритди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, баъзи соҳаларда, масалан, стратегик муҳим аҳамиятта молик бўлган халқаро транспорт, халқаро транспорт, экология каби қатор йўналишларда иккитомонлама алоқалар асло етарли эмас, кўптомонлама механизмлар бундай жараёндарда ажралмас ва муқаррар қўлланладиган воситалардир.

Ўзбекистон Туркий кенгашга энди аъзо бўлаётган бўлса-да, айтиш мумкинки, бу ташкилот ва унда иштирок этётган давлатлар учун янги ҳамкор эмас. Шу муносабат билан, ишончимиз қомилки, Ўзбекистоннинг мазкур ташкилот билан алоқалари тезкор тарзда ривожланиб, ҳар икки томоннинг манфаатларига тўла хизмат қилади. Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкор-



лик кенгаши доирасида, авваломбор, савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни кенгайтириш, етакчи санат корхоналари, банк-молия институтлари ва тадбиркорлик тузилмалари ўртасида кооперация алоқаларини кучайтириш зарур, деб ҳисоблайди.

Транспорт йўналишларининг интеграциялашган тармоғини яратиб, дунё ва минтақадаги асосий бозорларга чиқиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш ташкилотнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиши керак.

Ташкилот доирасида туризмни ривожлантириш бўйича улкан имкониятлар борлиги, маданий-гуманитар алоқаларни мустақамлаш эса халқларимизни янада яқинлаштиришини ҳам муҳим ижобий омил, деб биламиз.

Шу ўринда айтиш жоизки, бу йўналишларда ҳамкорлигимиз жадал суръатларда ривожлана бошлади. Бунга амалий мисоллардан бири сифатида жорий йил 5 октябрь куни Тошкентда Туркий кенгашга аъзо ва кузатувчи давлатларнинг Тадбиркорлар кенгаши ва Инвестицион бизнес-форуми ўтказилиши режалаштирилган. Ушбу халқаро тадбирда иштирок этиш учун Туркий тилли давлатлардан 300 дан ортиқ ишбилармон доиралар вакиллари юртимизга ташриф буюради, Ўзбекистонлик ҳамкорлар билан ўзаро муштарак манфаатлар асосида иккитомонлама ва кўптомонлама лойиҳалар юзасидан музокара олиб боради.

Яна бир мисол – бу Хива шаҳрининг 2020 йил «Туркий дунёнинг маданияти пойтахти», деб эълон қилиниши, бу йўналишда қатор қўшма маданий тадбирлар амалга оширилиши кутилаётганидир. Бу эса мамлакатимизга туркий дунёдан келаётган сайёҳлар сонини янада ошириш, Ўзбекистон-


нинг тарихи, маданий мероси, ўсиб бораётган туризм соҳасидаги салоҳиятини кенг жаҳон афқор оммасига танитишда алоҳида аҳамиятта молик тадбирлардан биридир. Шу ўринда эътироф этиш лозимки, бугунги кунда Ўзбекистонга келаётган хоржий сайёҳларнинг энг кўп қисми айнан туркий дунёдан келмоқда, айниқса, «зиёрат туризми» йўналишида Туркий кенгашга аъзо давлатлар сайёҳлари биринчи ўринда турибди.

Ушбу ташаббуслар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йили Туркий Кенгаш саммитидаги иштироки мобайнида илк мартаба илгари суртилган эди ва мана кўриб туришимизки, улар эълон қилиниши ҳамон ҳаётта таъбиқ этила бошланди. Бу ҳам Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотга аъзо бўлиш жараёнини тезлаштиришда муҳим турткилардан бири бўлди, десак хато бўлмайди.

Биз Кенгаш салоҳиятидан ушбу халқаро тузилмага аъзо мамлакатлар билан ҳамкорликни изчил ривожлантиришда, мамлакатларимизнинг кўларо майдонда муносиб ўрнини мустақамлашда кенг фойдаланишдан манфаатдоримиз.

Ишончимиз қомилки, жорий йил 15 октябрь куни Боку шаҳрида бўлиб ўтадиган Туркий кенгашнинг навбатдаги олий даражадаги учрашувида Ўзбекистоннинг тўлақонли аъзо-давлат сифатида иштирок этиши биродар халқларимизнинг фаровонлиги, равангаи йўлида ривожланиб бораётган анъанавий дўстлик, кенг қамровли ҳамда узоқ муддатли ҳамкорлик ришталарини мустақамлашда яна бир тарихий воқеа бўлади. Бизнинг фикримизча, бу ҳам Ўзбекистон, ҳам Туркий кенгаш учун бирдай муҳимдир.

«Дунё» АА



Ўзи бор-у рўйхатда йўқ ёхуд унутилган «Авесто» музейи

«Ishonch» газетасининг 2019 йил 10 сентябрь сонида чоп этилган музейлар ҳақидаги танқидий-таҳлилий мақола-ларни ўқир эканман, уларда мени кўп йиллардан бери қийнаб келаётган масалалар, муаммолар аксини кўрдим. Аввало, таҳририят бугунги кундаги энг долзарб масалалардан бирини кўтариб чиққанни эътироф этиш лозим. Зеро, музейлар оддий томошагоҳ ёки кўнгли очар маскан эмас, ўтмишимиз, бугунимиз, маънавиятимиз, маданиятимизга тўтиланган кўзгудир.



пастидан музей учун жой ажратилди. Шу тариқа «Олтин мерос» халқаро хайрия фонди Хоразм вилояти бўлими қошида «Авесто» хайрия музейи фаолият бошлади. Унга «Авесто» деб ном берилди. Музейда зардуштиллар замонидан то бугунги кунгача бўлган давр ҳақида сўзловчи осори-атиқалар биёси. Икки мингта яқин экспонатнинг 850 таси моддий, қолгани расмлар, фотосуратлар, китоблар, қўлёзмалардир. Юра даврига оид тошга айланган дарак, «Хамсан»нинг нодир қўлёзмаси, Султон Увайс тоғидан топишган Куръонни Каримнинг терига ёзилган оят, турли даврларга оид сопол буюмлар, уй анжомлари, кийим-кечаклар... Уларнинг ҳар бири ҳақида илмий рисола ёзиш мумкин.

Аммо... Ҳозирда музей ҳеч бир рўйхатда йўқ. Баъзи-баъзида тарих ўқитувчилари, илмий изланувчилар келиб мендан маслаҳат олишади, бу ердаги ҳужжатлар, қўлёзмалардан фойдаланишади. Хайрия асосида фаолият кўрсатганимиз боис маблағимиз йўқ. Бу бирон ходимни ишга олиш имкониятимизни чеклайди. Сипур-сидирни ҳам баъзида ўзим қилишимга тўғри келади. Баъзида савобталаб инсонлар ёрдам беришади. Маҳаллий раҳбарлар музейимизнинг аҳолидан хабардор

бўланликлари боис хорижлик сайёҳларни жалб қилишга уялишади. Менга эса 2700 йиллик тарихни ўзида муҳассам этган, илмий, маънавий, маданий аҳамиятта эга муассаса эътибордан четда қолган, қаровсизлиги алам қилади. Ҳимоя воситалари билан таъминланмагани боис, бир неча марта ўғри тушиб, айрим ноиб экспонатларимиздан айрилдик.

Янада алам қиладигани, муаммонинг тайёр ечими бўлгани ҳолда, мутасаддилар ўта муҳим масалага сувоққонлик билан ёндашаётганидир. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги «2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустақамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори асосида 2019 йилда собиқ ФХДБ биносида «Хоразм маданияти ва тарихи» музейи ташкил этилиши белгиланган. Лекин, негадир мутасаддилар амалий чоралар кўришни турли баҳоналар билан пайсалга солиб келишмоқда. Унда нафақат бизнинг музей,

балки Ўзбекистон замонавий санъати музейи ҳам фаолиятини давом эттириши кўзда тутилган. 2018 йилга қадар Урганч суратлар галереяси сифатида фаолият кўрсатиб келган ушбу музей ҳозирда жойлашган бино тарихий аҳамиятта эга бўлиб, 1910-1912 йилларда қурилган. Бироқ, бугунги кунда анчайин яроқсиз аҳолига келиб қолган.

«Авесто» музейи амфитеатрнинг тор, зах, қоронғи, иситилмайдиган хоналарида 19 йилдан буйён фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу не кўргилики, маҳаллий раҳбарларга, Маданият вазирлигига қилган мурожаатимизга қуруқ ваъдалардан бошқа жавоб олмадик. Юқорида шаҳардаги биттагина давлат музейи саналимиш Санъат галереясининг аҳоли ҳақида ҳам айтиб ўтдик. Аслида-ку Хивадаги музейлар ҳам бутун тарихимизни тўлалигига ёритиб берадиларди. Вақоланки, ўтмишимиз фарҳанса арзилиги, дунёга кўз-кўз қилгулик. Ҳозирда хорижлик сайёҳларнинг Урганч шаҳри билан таъминлиши учун бир соат атрофида вақт ажратилади. Автобус ёки бошқа транспорт воситаси ёрдамида айлантириб, «Мана бу Жалолиддин Мангуберди боғ-мажмуаси», «Мана бу «Авесто» боғ-мажмуаси» деб айтиб ўтилади, хол-ло. Вақоланки, соатлаб томоша қилиш мумкин бўлган экспонатларимиз, ҳикоя қилишимиз мумкин бўлган тарихий воқеалар озмунчами?!

Айрим давлатлардаги музейларга кириш учун одамлар соатлаб навбатда туришини кўриб, ҳавасим келади. Бизда эса музейларга фақат хорижликларни жалб қилувчи, сайёҳликни ривожлантиришга хизмат қилувчи муассаса сифатида қаралади. Аслида, музейлар ўзини, улғу халқ, буюк миллат эканлигини ҳис қилишимиз учун керак. Буни англаб етандиган, шу йўлда амалий чоралар кўрадиган фурсат алақачон келди. Майли, хорижликлар учун бўлса ҳам музейларимизни асрайлик. Балки, биздан кейинги авлод уларни лозим даражада қадрлар...

Комил НУРЖОНОВ, ўлкашунос, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси Хоразм вилояти бўлими раҳбари

Оғриқ тишлар...

Эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси!

«BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти аукцион савдоларига тақлиф этади!

Аукцион савдолари «Бухоро нефтини қайта ишлаш заводи» масъулияти чекланган жамиятининг 2019 йил 2 октябрдаги № 29-08/4230-сонли буюртма-хатига асосан завод ҳисобидидаги қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

- 1 лот. 2007 йилда и/ч. д/р 80/833FAA, «ЕАСНТ 32054» русумли автобус. Бошланғич баҳоси – 21 202 439 сўм.
- 2 лот. 2007 йилда и/ч. д/р 80/855 FAA, «ЕА СНГ Паз-32054» русумли автобус. Бошланғич баҳоси – 20 142 317 сўм.
- 3 лот. 2007 йилда и/ч. д/р 80/885 FAA, «Эзотайп 50.12» русумли автобус. Бошланғич баҳоси – 20 741 850 сўм.
- 4 лот. 2007 йилда и/ч. д/р 80/779FAA, «Эзотайп 50.12» русумли автобус. Бошланғич баҳоси – 20 348 100 сўм.
- 5 лот. 2007 йилда и/ч. д/р 80/866FAA, «Эзотайп 50.12» русумли автобус. Бошланғич баҳоси – 21 123 000 сўм.
- 6 лот. 2005 йилда и/ч. д/р 80/451 ААА, «НЕКСИЯ» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 24 097 500 сўм.
- 7 лот. 2005 йилда и/ч. д/р 80/161 ААА, «НЕКСИЯ» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 21 420 000 сўм.
- 8 лот. 2005 йилда и/ч. д/р 80/264 YAA, «НЕКСИЯ» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 17 786 250 сўм.
- 9 лот. 2004 йилда и/ч. д/р 80/025 HAA, «УАЗ-31519-05-010» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 21 410 669 сўм.
- 10 лот. 2004 йилда и/ч. д/р 80/026 HAA, «УАЗ-31517-095» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 22 385 669 сўм.
- 11 лот. 1992 йилда и/ч. д/р 80/BA815, «ГРП70НС» русумли махсус оқлағич. Бошланғич баҳоси – 21 332 119 сўм.

Аукцион савдолари 2019 йил 7 ноябрь кунини соат 11:00да Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-йил манзилда бўлиб ўтади.

2019 йил 7 ноябрь куни аукцион савдолари бўлиб ўтаган ЛОТ бўйича 2019 йил 14-, 21-, 28 ноябрь ҳамда 2019 йил 5-, 12-, 19-, 26 декабрь куни такрорий аукцион савдолари ташкил қилинади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истигадиги талабдорлар диққатига!

Аукцион савдоси қолбига 10 кунлик муддат ичида олди-соти шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-соти шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истигадиги талабдорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманома «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-йил (2-қават) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган санаг кундан бир кун олдин бўлган муддатга қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) қўйиб қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истигадиги бўлган талабдорлардан:

- «Аукцион ташкилотчиси» билан тузилган закат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закат пулининг тўлашуви;
- жаҳоний шавҳардан паспорт нуқсаси;
- юридик шахслардан давлат рўйхатдан ўтганини тўғрисидаги гувоҳнома, устави нуқсаси ва савдога қатнашувчи ишончли вақил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Заказат тўлови учун реквизитлар: «BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти, СТИП: 305300366, МФО: 00115, БАНК: АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Бухоро минтақавий филиали, к/р: 20200000300842711002.

Буюртманомаларини қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-йил (2-қават). Тел.: +998 91 414-97-00. E-mail: bas_savdo@mail.ru.

«Аукцион ташкилотчиси» – «BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти.

Гувоҳнома № 576174

«BEST AUKSION SAVDO» МЧЖ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

«Best aukcion savdo» МЧЖ томонидан «Ishonch» газетасининг 19.09.2019 йилдаги № 114 (4243)-сонида берилган эълондаги «Бошланғич баҳоси 649 480 000 (Олти юз қирқ тўқсон миллион тўрт юз саксон миң) сўм» деган жумла «Бошланғич баҳоси 690 000 000 (Олти юз тўқсон миллион) сўм деб ўқилин.

Хизматлар лицензияланган.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касабга уюшмаси Республикаси кенгаши жамоаси Таълим, фан ва маданият ходимлари касабга уюшмаси Бекобод тумани кенгаши раиси Ш.Деҳқонова онаси	Розагул она ДЕҲҚОНОВА нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.
Қашқадарь вилояти касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси жамоаси узоқ йиллар бирлашма кенгаши Раёсат аъзоси бўлган, меҳнат факхрисси	Ақром АКБАРОВ нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақинларига ҳамдардик билдиради.
«Чинобод санаторийси» акциядорлик жамияти жамоаси санаторий бош бухгалтери Гулчехра Маҳмудова онаси	Дилбаркан ХОЛМАТОВА нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

21 октябрь – Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун

Турмуш чорраҳаларида

Тил – миллат кўзгуси

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 30 йил тўлмоқда. Бу сана биз учун байрам. Негаки, тил – миллат кўзгуси. Миллатнинг борлигини, тараққиётини белгилайдиган ҳодиса. Афсуски, масала моҳиятини тўла тушуниб етмайди деганлар ҳам орамизда йўқ эмас. Ана шу эътиборсизлик оқибатида кейинги пайтда тилимизга салбий таъсирлар кенгайиб кетди. Хўш, шундай экан, тилни асрамоқ учун нималар қилиш лозим? Ушбу савол юзасидан юртимизнинг зиёли, фидойи ва етук фарзандлари мулоҳазалари билан танишиб кўринг-а!

Курашни кечиктириб бўлмайди



Иброҳим ҒАҒУРОВ,
адабиётшунос олим:

– Ҳар бир миллий тил жуда кўп қатта-кичик тилларнинг қуршоғида яшайди. Масалан, ўзбек тилининг жўрғофий маконлари атрофида ҳинд, рус, форс, араб ва европа тиллари фаол ҳаракатда эканини кўрамиз. Ўзбек миллий тили дунёдаги ана шу тиллар билан бевоқиф алоқада, улар билан ҳамкорликда яшайди.

Бу ранг-баранг тиллар доимий равишда бир-бирини бойитиб, ифода усулларини кенгайтириб, қабул қилиб, энг мураккаб илмий фикрларни ҳам мантқан тушунарли қилиб борадилар. Шу жараён миллий тиллар тараққиёти учун қанчалар кенг йўл очса, уларнинг тараққиётига ижтимоий тарзда таъсир кўрсатса, шу билан бирга миллий тиллар учун хавфли ва хавотирли салбий ҳолатларни ҳам майдонга чиқаради. Бунда, айниқса, кичикроқ тилларнинг ер юзи миқёсидаги жараёнларга тинимсиз таъсир кўрсатаётган катта халқларнинг тили таъсирига тушиб қолиши қузғунли.

Энг хавотирлиси миллий тиллар ўзининг мулоқот, муомала майдонларини бўшашиб беришга мажбур бўлиб қолиши мумкин. Биз бунинг қандай эканини ва қандай машғум ҳолларга олиб келиши мумкинлигини 150 йиллик тарихимиз мисолида кузатиб келмоқдамиз.

Бошқа йирик тиллар ичида ўз мавқеини йўқотиб, бой бериб қўймаслиги учун озоод мамлакатнинг ҳар бир фуқароси ўз она тилининг раванқи йўлида тинимсиз қурашмоғи лозим. Бу курашни, айниқса, ҳозирги ва келаятган замонларда бир зум ҳам сусайтириб бўлмайди. Тил тараққиётига давлат, миллат, халқнинг ўзи ҳам ҳеч қачон лоқайд муносабатда бўлмаслиги керак.



Эркин КОМИЛОВ,
Ўзбекистон халқ артисти:

– Бу мен учун энг оғриқли мавзу. Кўриб ҳайрон қоласан киши: кўча-кўйда хато ёзилган сўз ва иборалар ниҳоятда кўп. Биргина мисол, дўконларда «салқин ичимликлар» деган жум-

Бу ҳаммамизга тегишли

лага тез-тез кўзимиз тушади. Салқин хона бўлади, салқин ҳаво бўлиши мумкин, аммо сувга нисбатан «салқин» сифатининг ишлатилиши ғайритабиий эмасми? Тил меъёрига мос тарзда «яхна сув» жумласи ишлатилса бўлмайди?

Юқоридаги каби тилимизга саводсизларча муносабатда бўлиш натижасида, кун сайин она тилимизнинг охори тўки-


либ бормоқда. Айниқса, бунга телевидение суҳбатлари ва айрим ёш дикторларнинг шевада гапиришлари катта «улуш» қўшмоқда. Ахир, ўз тилимизни ўзимиз асрамоқ, ким асрайди? Унинг ҳурматини жойига қўймаётганларга қарши биз курашмасак, ким курашади? Шу миллат фарзандлари – ҳамма-ҳаммамиз она тилимизни сақлаш учун жон куйдиришимиз керак.

стилистик ва орфографик хатолар устида ишлаши ва ҳуснихат масалаларига мутлақо эътибор қилмай қўйишига олиб келди.

Мустақил мутолаа воситасида мустақил фикрлаш хусусиятини чинқилтириш, такомиллаштириш, сўзларни маъносига қараб жой-жойига қўйиш ўрнида, пойнтар-сойинтарлик овж олди.

Менимча, таълим тизимида иншо устуворлигини тиклаш лозим. Бу ёшларимизнинг саводхонлигини ошириб, тилимизда тўғри гапиришга ижобий туртки беради.

Имлони билмай, илмга ўтилмайди



Бахтиёр МЕНГЛИЕВ,
тилшунос олим:

Келинг, дастлаб бир саволга жавоб берайлик. Бугун она тили фанидан таълимнинг аҳоли қандай?

Боши ҳам, адоғи ҳам йўқ, бунинг устига дарсликдан-дарсликка ўтиш, синфдан-синфга кўчиш билан ўзгариб турадиган сон-саноксиз илмий (лингвистик) қоидаларни ёдлатамиз. Матнинг, берилган гапларнинг авра-астарини чиқариб, илдан игнасиғача таҳлил қилдирамиз. Бироқ бу «билим»лар оғзаки ва ёзма нутқимизга қай даражада таъсир қилиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Болаларимизнинг нутқи қандай? Тўталади, дудуқланади. «Анақа», «ҳалиги», «нима десамикин», «ўша-де» кабиларни ҳар икки сўз орасида гўё «боғлама» сифатида қўллайди ва бундан хижолат ҳам чекмайди. Аризани қойиллатиб ёзиб, фикрини лўнда ва аниқ тушунтириб бера

олмайди. Давраларда микрофон тутқазиб қолишса қочиб, таъзияларда марҳумнинг яқинларига «бандалик» ифодасидан бошқа бирор сўзни ёлчишиб айтмайди.

Биз, ўқитувчилар эса унли товушнинг тил олди ва тил орқалиги, лабланган-лабланмаганлиги, қуйи кенг, ўрта кенг, юқори торлиги, тил ундошининг лаб-лаб, лаб-тиш, тил олди, тил ёни, тил ўрта, тил орқа товушининг яқин тил орқа, чуқур тил орқалиги ҳақидаги билим шахсини тилдан фойдаланиш малакасини қандай ва қанчалик таъминлаши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Она тили фани тўла-тўқис тилшунослик фанига айланмади бўлди. Ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам, ота-оналар ҳам она тили таълими деганда тилшунослик қоидаларини ёдлаш ва уларга доир машқ ва топшириқларни бажаришдан бошқа нарсани тасаввур қила олмайдиган бўлиб қолди. Биринчи планда туриши керак бўлган оғзаки ва ёзма нутқ бўйича саводхонлик, нутқ ва мулоқот маданияти, бой сўз захираси, нотқиллик энг охириги ўринларга тушиб кетди.

Ўқувчиларнинг қўлида ўқув лўғатларининг йўқлиги, ҳатто тузук-қуруқ имло лўғатининг мавजूд эмаслиги, она тили дарсларида лўғат дафтарлари юртимаслиги – булар инкор қилиб бўлмайдиган далиллардир. Ҳатто, иншо ёзишни ўргатадиган технология ҳам, манба ҳам йўқ. Ҳар қандай ўқитувчи иншо мавзусини бериш, шаблон режа тузиш ва эпиграф танлашдан бошқа тавсия бера олмайди. Ўқувчиларда матн яратиш кўникма ва малакаси мутлақо шаклланмасдан қоляпти. Айрим иқтидорли болалар ўқиган матнларига тақлид қилиб, мустақил равишда ёзма нутқларини такомиллаштирадилар, холос. Бундай таълим усули орқали биз ўзимизни ва жамиятни алдаяпмиз. Уни тубдан ислоҳ қилмас эканмиз, бу алдов яна кўп йиллар давом этади.



Зебо НАМОЗОВА
ёзиб олди



Бундан ўн йил муқаддам қўшқўпирлик Нурбек Рўзметов ёнғинда оғир жароҳат олди. Уни зудлик билан Тошкентдаги 1-шифохонага юборишди. Илк ёрдамдан сўнг, жонлантириш бўлимига ўтказишди. Бу пайтда шифохонада Япониянинг Асахиово вилоятидан келган ёш ҳамшира Микако Сугавара амалиёт ўтаётган эди. Меҳрибон қиз йигитни меҳр билан парваришлади, муолажа қилди, овқатлантирди, бир сўз билан айтганда, ҳаётга қайтарди. Микаконинг бебиннат кўмаги туфайли яна яшашга иштиёқ тўйган Нурбек уч ойда саломатлигини тиклашга муваффақ бўлди.

Кишлоғига қайтган, унга далда бўлиш учун келган қариндошлари, дўстарига бетакорор япон қизи ҳақида тўлиб-тошиб гапириб берар, тез-тез Микакога кўнғироқ қиларди. Ҳар сафар ич-ичидан орзиқар, Микако билан қайта кўришишни истарди. Бунга қарангки, бу хоҳиш орадан беш йил ўтиб ҳам уни тарк этади. Бу орада Микако амалиётини тугатиб, она юртига Японияга қайтиб кетган эди. Нурбек ҳар йили 22 март куни қизнинг таваллуд кунини нишонлар, қалбида унга аталган самимий тилаклари жўш уради. У Микако билан қайта учрашишга ишонарди. Шу боис, уни излашга киришди. Бироқ, қишлоқда алоқа воситалари яхши ишламаслиги, интернет йўқлиги унга панд берарди. Шундай кунларнинг бирида у ўз туйғуларига ҳақиқатан ишлаган таниши Эргаш акага гапириб, Микаконинг электрон манзилни берди. Не бахти, Эргаш аканинг кўмаги билан Микакони қайта топишга муваффақ бўлди. 2006 йил 22 март куни Ўзбекистондан Японияга борган SMS хабар Микакони мамнун қилди. У Нурбекни кўриш учун Хоразмга келди. Йигит ҳали ҳам бутунлай соғаймаган эди.

– Қалбимда туйғуларим жўш урса-да, саломатлигим уларни ошкор этишга йўл бермасди, шундай ажойиб қиз мендай касалманд йигитга турмушга чиқишга рози бўлишига ишонқирармасдим, – дейди Нурбек. – Бироқ Микако кейин ҳам мени кўриш учун бир неча марта юртимизга келди. Шу тариқа бир-биримиз учун яраганимизни англаб етдик.

Микако ота-онасига ўзбек йигитига турмушга чиқиш нияти борлигини айтганида, улар қарши чиқишди. Қиз бир йилга яқин ота-онасига ёлворди, қалб туйғуларини тушунтирди. Ниҳоят, ёлғиз қизларини Хоразмга узатишга рози бўлишди.

Кўшқўпирнинг Ғозовот қишлоғида бўлиб



ўтган тўй барча маҳалладошлар ёдида қолган. Нурбек ўзбек чопонида, Микако япон киманосида кўзларни қувонтирди. Ҳозир уларнинг Наҳотбек исми ўғиллари бор. Микако унга ўзбекча алла айтишни яхши кўради. Нурбекнинг опалари, туғишганлари кўпчилигига ҳавас қилади. Ўзи ҳам серфарзанд бўлишни истайди.

Оиладагилар тиришқоқ келиндан жуда мамнун. Микако нон ёпишни, Хоразм таомларини тайёрлашни тезда ўрганиб олди. Ўзбек атласи унга жуда ярашганидан эгидан егисига келмайди. Ўзбек тилида бийрон гапиради.

– Япон келини ҳаммамиз яхши кўрамиз. У меҳрибон, садоқатли. Нафақат турмуш ўртоғи, балки қайнона-қайнотаси, қўни-қўшнилари ҳам ҳурматини жойига қўяди, унинг самимиёти, меҳнатсеварлиги, миллий урф-одатларимизга садоқати таҳсинга сазовор, – дейди қўшниси Нурбобо Содиқов.

Яқинда уни кўриш учун келган ота-онаси қизининг бахтли турмуш кечираётганидан мамнун бўлишди. Нурбек уларни Хивага олиб борди. Қайнота куёвни Японияга тақлиф қилди.

Микакони нафақат ҳамқишлоқлари, балки бутун кўшқўпирликлар яхши кўришади. Бу у япон миллати вакиласи бўлгани учун эмас. Меҳр-оқибати, улкан қалби, вафодорлиги туфайли Микако Сугавара энг ибратли келинлардан бири сифатида эътироф қилинади.

Ҳикоят

Муҳаббат деган нарса жуда оз кишиларга nasib бўладирган бир дурри бебаҳодир.



Абдулла ҚОДИРИЙ



Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch»

МИННАТДОРЛИК

Кариялар уйи. Байрам арафаси. Ходима аёл кекса ота-хонининг хонасига кириб келиб деди: – Мана, домлажон, Америкадаги ўғлингиз сизга иссиқ ич кийим, Германиядагиси чиройли камзул жўна-тибди. – Ўғилларим баррака топсин, узокда яшашса ҳам мени эсдан чиқаришмайди, – деди отахон кўзига ёш олиб. Ходима эшик олдида қолдирган қопидан яна битта ич кийим ва камзулни олиб, бошқа хонага кириб кетди.

ЖАРРОҲ

Даволаш факультетининг декани ўз курсдошининг бутун ўқиш даврида «Мен доктор бўлмайман, мен бош

Мутолаа

врач бўламан» деб юрган тантиқ ўғлини амал-тақал қилиб битиртирди. Орадан вақтлар ўтди. Нафақат декан онасини операция қилдириш учун касалхонага ётқизди. Операция куни келди. Жарроҳлик хонасига кириб кетаётган талабасини таниб қолган собиқ декан пешонасига тап этиб урди-да, зипиллаганича бош врачни излаб кетди. ...Котиба унинг операция бўлимига кетганини айтди.

МЕЗОН

Унинг кимлигини яхши билмасди. Бирга сафарга чиқдик. Кимлигини билдик, кўйдик.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,
профессор



МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишигиз мумкин.

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Iprotka bank» Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-34
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Тошкент – (+998-99) 889-90-25
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
С. Абдураҳмонов

Мусаҳҳиҳ:
С. Шодиева

Саҳифачилив:
Х. Абдуҷалилов

ЎЗА яқуни – **01:05**
Топширилди – **01:30**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Ғ – **1017**.
27692 нускада босилди. Нашр кўрсатиши: **133**

1 2 3 4 5